

**“Кварц” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг**

1-сонли

БАЁННОМАСИ

**2025 йил 30 июнь
соат 10-00**

**Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри,
Мустақиллик кўчаси, 2а-уй**

“Кварц” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 86 687 110 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 96 449 218 дона. **Йиғилиш кворуми 89,87 фоиз.**

Қатнашдилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги номидан 27.06.2025 йил 02/09-2-17/466-сонли ишончномага асосан вакил Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Б.Фарманов;

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

Таклиф этилганлар:

Жамият Бош директори, 1-ўринбосар, ишлаб чиқариш бўйича директор, бош ҳисобчи.

ЭШИТИЛДИ:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият Кузатув кенгашининг раиси ҳамда кенгаш аъзолари узрли сабабларга кўра қатнаша олмаганликларини инобатга олиб, жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб вакил Б.Фармановни сайлаш таклиф этилди

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб Б.Фарманов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котибини этиб “Кварц” АЖ мутахассиси Ғ.Мамаджоновни сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котиблигига “Кварц” АЖ мутахассиси Ғ.Мамаджонов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг Санок комиссиясини қуйидаги таркибда:

1. З.Бурханов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;
 2. Ф.Сойибова - “Кварц” АЖ ҳисоб-китоб бўлими ҳисобчиси;
 3. Д.Исроилова - “Кварц” АЖ ҳисоб-китоб бўлими ҳисобчиси.
- таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. З.Бурханов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи;
2. Ф.Сойибова - “Кварц” АЖ ҳисоб-китоб бўлими ҳисобчиси;
3. Д.Исроилова - “Кварц” АЖ ҳисоб-китоб бўлими ҳисобчиси.

Йиғилиш раиси Б.Фарманов жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. “Кварц” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш яқунлари бўйича ҳисоботи.

3. “Кварц” АЖ Бош директорининг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари, бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботи.

4. “Кварц” АЖнинг 2024 йил яқуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти яқуни бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини кўриб чиқиш.

5. “Кварц” АЖнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

7. “Кварц” АЖнинг ижроия органи тузилмасини қайта кўриб чиқиш, Бошқарув раисини ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.

8. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги, “Умумий йиғилиш тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш.

9. “Кварц” АЖ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қондалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш ҳамда мажбуриятни қабул қилиш тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

10. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган ҳамда тузилиши мумкин бўлган, битимлар тузиш ваколати ижроия органига берилаётган жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича (“Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун куйидаги йиғилиш регламенти маълум қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқагача, савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият таклиф этилаётган йиғилиш регламентини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала бўйича (*“Кварц” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташиқлот томонидан баҳолаш яқунлари бўйича ҳисоботи*) йиғилиш раиси Б.Фарманов томонидан 2024 йилда Кузатув кенгашининг ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисобот берилди (ҳисобот илова қилинади).

Кузатув кенгашининг иш режасига мувофиқ 2024 йил давомида 21 та мажлислари ўтказилди ҳамда ушбу мажлисларда 32 та масала муҳокама қилиниб, қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилинди.

Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизими “MEZON AUDIT PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан баҳоланиб, 2025 йил 5 майдаги хулосасига кўра жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “ЮҚОРИ” баҳоланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 3-масала бўйича (*“Кварц” АЖ Бош директорининг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари, бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботи*) жамият Бош директори в.в.б. А.Хусанов “Кварц” АЖ ижроия органининг 2024 йил молия-хўжалик йили яқунлари ва 2024 йилга мўлжалланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Хусусан, “Кварц” АЖда 2024 йил давомида жамиятнинг бизнес-режасида белгиланганига нисбатан ҳақиқатда қуйидаги кўрсаткичларга эришилди:

амалдаги нархларда товар маҳсулоти ҳажми 489 782,01 млн. сўмлик режа (452 902,08 млн.сўм) 108,1%га ёки 36 879,93 млн.сўмга кўп бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган (689 905,30 млн сўм) маҳсулотга нисбатан 200 123,29 млн. сўмга камайиб 71,0%ни ташкил этган;

солиштирма нархларда товар маҳсулоти ҳажми 470 733,56 млн. сўмлик режа (452 902,08 млн.сўм) 103,9%га ёки 17 831,48 млн.сўмга кўп ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган (632 018,56 млн сўм) маҳсулотга нисбатан 161 285 млн.сўмга кўпайиб 74,5%ни ташкил этган.

Ишлаб чиқаришни таҳлил қиладиган бўлсак, 2024 йил давомида:

шиша банкалар 36,96 млн.дона, режадагидан 28,8 млн.дона кам (56,2%), 2023 йилга нисбатан 4,59 млн.дона кам (89,0%);

бозор эҳтиёжлари ва мижозлар талабидан келиб чиқиб шиша бутилка маҳсулотлари ишлаб чиқарилмаган;

қурилиш ойнаси режадагидан 1 455,9 минг метр квадрат кам (89,2%), ўтган йилга нисбатан 4 351,9 минг метр квадрат кам ишлаб чиқарилган (73,3%).

Реализация қилинган маҳсулот 521 909,90 млн.сўм бўлиб, ўтган йилга нисбатан (530 695,39 млн.сўм), 8 785 млн сўмга кам реализация қилинган.

Ҳисобот даврида шиша банка 115,448 млн.дона, 93 038 млн.сўмлик, ўтган йил (123,854 млн.дона, 100 997 млн сўм)га нисбатан 7 959 млн.сўмга кам, шиша бутилка 0,128 млн.дона, 261,5 млн сўмлик, ўтган йил (5,969 млн.дона, 9 034,188 млн сўм)га нисбатан 8 772,68 млн.сўмга кам, (бозор эҳтиёжлари, тузилган шартномалар ва мижозлар талабидан келиб чиққан ҳолда, шиша бутилкалар ишлаб чиқариш ҳажми 2023 йилги кўрсаткичлардан паст). Қурилиш ойнаси 23 813 минг м², 411 859 млн.сўм ўтган йилга

(20 647,9 минг м2, 415 820 млн.сўм) нисбатан 3,961 млн.сўмга кам реализация қилиниши, (асасий сабаби импорт ва “Зарафшон ойна” корхонаси ойна маҳсулоти нархи пастлиги).

Шунингдек 3 245,04 млн.сўмлик ҳалқ истеъмол моллари реализация қилинган.

Тайёр маҳсулот қолдиғи 2023 йилга нисбатан 16 225 млн.сўмга камайган ёки 129 246,20 млн.сўмни ташкил қилган.

Экспортга жами 6 084,95 минг АҚШ долларлик маҳсулот, ўтган йил кўрсаткичидан (3 968,87 минг АҚШ доллар) 2 116,88 минг АҚШ доллари миқдорида кўп экспорт қилинган, шиша банка маҳсулоти 1,777 млн.дона, 404,2 минг АҚШ доллари, ўтган йил кўрсаткичидан (2,819 млн.дона, 570,37 минг АҚШ доллари) 166,17 минг АҚШ долларига кам сотилган, қурилиш ойнаси 2 696,68 минг м2, 5 673,9 минг АҚШ доллари, ўтган йил кўрсаткичидан (1 249,3 минг м2, 3 398,87 минг АҚШ доллари) 2 275,03 минг АҚШ долларига кўп сотилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бош директор в.в.б. А.Б.Хусановнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари, бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидаги 4-масала (“Кварц” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини кўриб чиқиши) Бош ҳисобчи А.Кўзиев сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди. “Кварц” АЖнинг 2024 йил яқунлари бўйича ўтказилган ташқи аудит натижалари бўйича “MEZON AUDIT PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2025 йил 5 майдаги хулосаси билан йиғилиш иштирокчилари таништирилди (аудитор хулосаси илова қилинади).

“MEZON AUDIT PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2024 молиявий йил молиявий ҳисоботлари миллий ва халқаро стандартларига тўла мос келиши тўғрисида хулоса берилди.

Кун тартибидаги масала бўйича Жамиятнинг ташқи аудитори “MEZON AUDIT PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидаги 5-масала бўйича (“Кварц” АЖнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш). Бош ҳисобчиси А.Кўзиев томонидан акциядорларга қуйидагилар маълум қилинди.

2024 йил мобайнида “Кварц” акциядорлик жамиятида амалдаги нахларда 489 782,01 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари 457 081,84 млн.сўмни ташкил этди.

Маҳсулот реализациясидан тушган соф тушум 522 413,88 млн.сўмни ташкил этиб, сотилган маҳсулот таннари 502 912,85 млн.сўмни ташкил этди.

Давр харажатлар 145 472,585 млн.сўмни ташкил этиб, шундан:

реализация харажатлари 29 355,612 млн.сўм;

бошқарма харажатлари 26 578,319 млн.сўм;

бошқа операцион харажатлар 89 538,654 млн.сўм.

2024 йилда молиявий харажатлар 60 234,352 млн. сўмни ташкил этди, шу жумладан:

фоизли харажатлар – 33 204,202 млн.сўм;

салбий курс фарқларидан зарарлар – 27,030,151 млн. сўм.

2024 йилда молиявий фаолиятдан олинган даромадлар 30 118,440 мил.сўмни ташкил этди, шу жумладан:

фоиз шаклида даромад – 1 548,297 млн.сўм;

валюта курси фарқидан олинган даромад – 28 570,143 млн сўм.

Молиявий фаолиятдан салбий натижага эришилиб -30 115,912 млн.сўмни ташкил этди.

01.01.2025 й. муддатга бўлган дебитор қарздорлик - 50 951,0 млн.сўмни ташкил этиб, шундан:

харидор ва буюртмачилар қарзи - 12 372,901 млн.сўм;

мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар - 22 101,214 млн.сўм;

мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар, бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари - 3 222,935 млн.сўм;

бошқа дебиторлик қарзлари - 13 253,950 млн.сўм.

01.01.2025 й. муддатга бўлган кредитор қарздорлик - 291 836,927 млн.сўмни ташкил этиб,шундан:

мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз - 48 414,518 млн.сўм;

олинган бўнақлар - 86 721,283 млн.сўм;

бюджетга тўловлар бўйича қарз - 1 893,629 млн.сўм;

мақсадли давлат жамғармаларига - 993,174 млн.сўм;

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз - 3 615,744 млн.сўм;

10.01.2025 йил ҳолатига иш ҳаққидан қарздорлик мавжуд эмас.

таъсисчиларга қарздорлик - 9 928,682 млн.сўм;

қисқа муддатли банк кредитлари - 129 583,840 млн.сўм;

бошқа кредиторлик қарздорлик - 13 686,057 млн.сўм.

Жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича 2024 йил бошига фойда ва зарарлар ҳисоботида 2022-2023 йилларнинг тақсимланмаган фойдаси 42 569 724 396,18 сўм миқдориди акс эттирилган. Жамият 2024 йил молиявий хўжалик фаолиятини 141 565 053 544,25 сўм зарар билан якунлаган. Натижада жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича зарари 2022-2023 йил тақсимланмаган фойдаси ҳисобига қопланиб, 2024 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботида 98 995 329 148,07 сўм миқдориди зарар кўринишида акс эттирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамиятнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш акциядорлардан сўралди.

Кун тартибидаги 6-масала бўйича (*Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш*) йиғилиш раиси сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди, директор лавозимларини таркибий тузилмага ўзгартиришлар киритиш орқали жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилди ҳамда янги таҳрирдаги ташкилий тузилмани лойихаси ишлаб чиқилди. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилма лойихаси билан йиғилиш иштирокчилари таништирилди. (янги таҳрирдаги ташкилий тузилма лойихаси илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Кун тартибидаги 7-масала бўйича (*“Кварц” АЖнинг ижроия органи тузилмасини қайта кўриб чиқиш, Бошқарув раисини ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида*) йиғилиш раиси сўзга чиқиб, директор лавозимларини таркибий тузилмага ўзгартиришлар киритиш орқали жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилди ҳамда янги таҳрирдаги ташкилий тузилма тузилди. “Кварц” АЖнинг ижроия органи тузилмасини яқкабошчиликдан (бош директор) 5 нафардан иборат коллегиал ижроия органига (бошқарув) ўзгартирилди. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасида жамиятнинг ижроия органини тузиш, бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), қоида

тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши белгиланган.

Шунга кўра жамиятнинг 5 нафардан иборат коллегиял ижроия органи (бошқарув) тузиш, бошқарув аъзолари лавозимларига танлов ўтказилиши, танлов натижалари кейинги акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилгунга қадар жамият фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, А.Б.Хусановни бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси, М.Г.Исроиловани бошқарув раисининг хусусийлаштириш, рақамлаштириш ва маҳаллийлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, С.С.Турсунбаевни бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, бошқарув раисининг молия ишлари бўйича ўринбосари (вакант) ва А.А.Кўзиевни бош ҳисобчи, бошқарув аъзолари вазифасини вақтинча бажарувчиси этиб сайлаш (тайинлаш) таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бюллетенларга белги қуйиш орқали ўз муносабатларини билдирилиши йиғилиш иштирокчиларидан сўралди.

Кун тартибидagi 8-масала бўйича (*Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги, “Умумий йиғилиш тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш.*) мутахассиси Ғ.Мамаджонов сўзга чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 25.04.2025 йил 02/09-2-17/1310-сонли хатида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2025 йил 17- апрелдаги ЎРҚ-1057-сон Қонун қабул қилинган.

Қонунга мувофиқ: Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини (5, 50, 51 моддаларига), Давлат активларини бошқариш агентлигининг 20.05.2025 йил 03/09-2-17/2090-сонли хатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24-мартдаги ПҚ-101-сон, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг ички ҳужжатларини қонунга мувофиқлаштириш сўралган.

Жамият Уставига, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги, “Умумий йиғилиш тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомларларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилди. Устав ва Низомлар лойиҳалари билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди (ҳужжатлар лойиҳаси илова қилинади).

“Кварц” АЖнинг янги таҳрирдаги Уставини, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги, “Умумий йиғилиш тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Кун тартибидagi 9-масала бўйича (*“Кварц” АЖ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш ҳамда мажбуриятни қабул қилиш тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш*) мутахассиси Ғ.Мамаджонов сўзга чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 20.05.2025 йил 03/09-2-17/2090-сонли хатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24-мартдаги ПҚ-101-сон, 2024 йил 19-апрелдаги ПҚ-163-сон қарорлари билан давлат иштирокидаги корхоналарда янгиланган Корпоратив бошқарув қоидалари ва Ахлоқ кодексини жорий этиш белгиланган.

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан жалб қилинган экспертлар билан биргаликда Давлат иштирокидаги корхоналар учун янгиланган корпоратив бошқарув қоидалари ишлаб чиқилиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 20-майдаги 179-сон буйруғи билан тасдиқланган.

“Кварц” АЖ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш ҳамда мажбуриятни қабул қилиш тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш бўйича овоз беришлари жамият акциядорларидан сўралди. (хабар бериш шаклини илова қилинади)

Кун тартибидаги 10-масала бўйича мутахассиси Ғ.Мамаджонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 88-моддаси. Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаш:

Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлиги белгиланган.

Ижроия органининг аффилиланган шахслар билан мустақил амалга оширилган жамиятнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни ҳамда келажакда жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузиш мумкин бўлган аффилиланган шахслар рўйхати билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

1. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан тузилган битимлар рўйхати.

2. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда битим тузилиши мумкин бўлган корхоналар рўйхати.

Ушбу рўйхатларни тасдиқлаш бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди. (рўйхатлар илова қилинади).

Санок комиссия овоз бериш натижаларини умумий йиғилиш иштирокчиларига эълон қилди.

**Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши томонидан
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бердилар: – 86 687 110 овоз, тарафдорлар – 86 687 110 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқагача савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, Санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратиш орқали акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.

2. “Кварц” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш якунлари бўйича ҳисоботи.

Овоз бердилар: 86 687 110 овоз, тарафдорлар – 86 624 788 овоз, қаршилар – 62 322 овоз,
бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича “MEZON AUDIT PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2025 йил 5 майдаги хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Кварц” АЖ Бош директорининг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари, бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботи.

Овоз бердилар: 86 687 110 овоз, тарафдорлар –86 624 788 овоз, қаршилар – 62 322 овоз, бетарафлар йўқ.

“Кварц” АЖ Бош директори в.в.б. А.Б.Хусановнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари, бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

4.“Кварц” АЖнинг 2024 йил яқуни бўйича молиявий–хўжалик фаолияти яқуни бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини кўриб чиқиш.

Овоз бердилар: 86 687 110 овоз, тарафдорлар –86 624 788 овоз, қаршилар – 62 322 овоз, бетарафлар йўқ.

“Кварц” АЖнинг 2024 йил яқунлари бўйича ўтказилган ташқи аудит натижалари бўйича “MEZON AUDIT PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2025 йил 5 майдаги ҳулосаси тасдиқлансин.

5. “Кварц” АЖнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бердилар: 86 687 110 овоз, тарафдорлар –86 624 788 овоз, қаршилар – 62 322 овоз, бетарафлар йўқ.

“Кварц” АЖнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботи, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Овоз бердилар: – 86 687 110 овоз, тарафдорлар – 86 687 110 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

7. “Кварц” АЖнинг ижроия органи тузилмасини қайта кўриб чиқиш, Бошқарув раисини ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.

Овоз бердилар: – 86 687 110 овоз, тарафдорлар – 86 687 110 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. Жамиятнинг 5 нафардан иборат коллегиял ижроия органи (бошқарув) тузилсин.

2. А.Б.Хусанов бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси, М.Г.Исроилова бошқарув раисининг хусусийлаштириш, рақамлаштириш ва маҳаллийлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, С.С.Турсунбаев бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, А.А.Қўзиев бош ҳисобчи, бошқарув аъзолари вазифасини вақтинча бажарувчиси этиб сайлансин.

8. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги, “Умумий йиғилиш тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш.

Овоз бердилар: – 86 687 110 овоз, тарафдорлар – 86 687 110 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги, “Умумий йиғилиш тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомлари тасдиқласин.

9. “Кварц” АЖ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш ҳамда мажбуриятни қабул қилиш тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Овоз бердилар: – 86 687 110 овоз, тарафдорлар – 86 687 110 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.

“Кварц” АЖ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбурияти қабул қилинсин ҳамда мажбуриятни қабул қилиш тўғрисида хабар бериш шакли тасдиқлансин.

10. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган ҳамда тузилиши мумкин бўлган, битимлар тузиш ваколати ижроия органига берилаётган жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.

Овоз бердилар: – 86 687 110 овоз, тарафдорлар – 86 687 110 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан тузилган битимлар рўйхати тасдиқлансин.

2. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда битим тузилиши мумкин бўлган корхоналар рўйхати тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ётиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси



Б.Б.Фарманов

Йиғилиш котиби



Ғ. Мамаджонов

Баённома имзоланган санаси
«08» 07 2025 й.